



IJIRCCCE

e-ISSN: 2320-9801 | p-ISSN: 2320-9798



INTERNATIONAL JOURNAL OF INNOVATIVE RESEARCH

IN COMPUTER & COMMUNICATION ENGINEERING

Volume 11, Issue 1, January 2023

ISSN INTERNATIONAL
STANDARD
SERIAL
NUMBER
INDIA

Impact Factor: 8.165



9940 572 462



6381 907 438



ijircce@gmail.com



www.ijircce.com

Issues of Increasing the Export Capacity of Business Subjects Operating on the Basis of A Cluster

Shahobov Khamidjon Mukhamadovich, Abduvaliev Boburshokh Ulug'bekugli,

Shoybekova Niginakhon Lochinbekqizi

Doctoral Student, Namangan Institute of Engineering and Technology, Uzbekistan

Student, Namangan Institute of Engineering and Technology, Uzbekistan

Student, Namangan Institute of Engineering and Technology, Uzbekistan

ABSTRACT: In this article, it is explained that as a result of the establishment of cotton-textile clusters in our country, including Namangan region, due to the full processing of cotton raw materials, finished products with added value are being developed and these products are being exported to world markets. Also, the issues that should be implemented in this regard were touched upon, that is, the need to establish five-stage production of finished products in cotton-textile clusters in Namangan region was highlighted.

KEYWORDS: cotton raw material producing and processing enterprises, entrepreneurship, employment, technopolis, technopark, integration, export, cluster, modernization, diversification, credit, potential, territory, competitiveness.

КЛАСТЕР АСОСИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Шаҳобов Хамиджон Муҳаммадович

докторант Наманган муҳандислик-технология институти

e-mail: shakhobov76@mail.ru

Абдувалиев Бобуршоҳ Улуғбек ўғли

талаба Наманган муҳандислик-технология институти

e-mail: boburshohabduvaliyev@mail.com

Шойбекова Нигинахон Лочинбек кизи

талаба Наманган муҳандислик-технология институти

e-mail: Shoxrux2230@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада мамлақтимизда, шу жумладан Наманган вилоятида пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил этилиши натижасида пахта хом-ашёсини тўла қайта ишлаш йўлга қўйилаётганлиги туфайли кўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқиладиганлиги ва бу маҳсулотлар жаҳон бозорларига экспорт қилинаётганлиги ёритиб берилган. Шунингдек, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган масалаларга ҳам тўхталиб ўтилган, яъни Наманган вилоятидаги пахта-тўқимачилик кластерларида беш босқичли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарурлиги ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: пахта хом-ашёси ишлаб чиқарувчи, қайта ишловчи корхоналар, тадбиркорлик, бандлик, технополис, технопарк, интеграция, экспорт, кластер, модернизация, диверсификация, кредит, салоҳият, ҳудуд, рақобатбардошлик.

Президентимизнинг парламент ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида 2023 йилда тайёр маҳсулотлар экспортини кўшимча 4 миллиард долларга, экспортнинг умумий ҳажмини эса илк бор 23 миллиард доллардан ошириш вазифасини қўйилди. Ушбу мақсадга эришиш йўлида экспорт қилувчиларга транспорт ва бошқа харажатларини компенсация қилиш давом эттирилса, маҳсулотлар экспорти бўйича ҳозирги 9 та босқичдан иборат божхона расмийлаштируви 3 баробар қисқаради. Бизга маълумки, экспорт - ҳар қандай давлат иқтисодиётини ташқи бозорда нечоғли рақобатбардош эканлигини белгилаб берувчи барометр ҳисобланади. Шу мезон билан ўлчайдиган бўлсак, Ўзбекистон иқтисодиётида сифат ўзгаришлари кузилаётганлигини кўриш мумкин. Экспорт ҳажмиохиргибешийлда 5 миллиард долларгаошиб, 19 миллиард

долларга етди. Жаҳонда глобалликнинг тарқалиши ва бугунги мураккаб шароитда шундай натижага эришишда пахта-тўқимачилик кластерлари муҳим ўрин эгалламоқда. Яқин келажакда Европа бозорларига тўқимачилик, электр техникаси, чарм-поябзал ва бошқа тайёр маҳсулотлар экспортини камида 2 баробар оширилиши кўзда тутилган. Экспорт салоҳиятимиз юксалишида пахта-тўқимачилик кластерлари драйверга айланади. Негаки, давлатимиз раҳбари томонидан тўқимачилик маҳсулотлари экспортини дастлабки босқичда 5 миллиардга, 2026 йилгача эса 7 миллиардга етказиш вазифасини қўйилди. Юртимизда фаолият юритаётган кластерлар ва уларнинг ишлаб чиқариш салоҳияти буни бемалол удалаш мумкинлигини кўрсатмоқда. Яъни 2022 йил якунлари бўйича экспорт 3,2 миллиард долларга етказилмоқда. 2023 йилда эса ушбу рақамни кескин ошириш чора-тадбирлари ҳозирданок пишиқ-пухта қўриляпти. Яъни кластерлар томонидан 225,6 миллион доллар инвестициялар жалб этилиши, 331 та йирик лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Бунинг натижасида 32,1 минг таянги иш жойлари яратилиши, экспорт ҳажми 5 миллиард доллардан ошиши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари тўқимачилик саноатига доир чиқишларида пахтани чуқур қайта ишлашни жадаллаштириш ва тайёр маҳсулот улушини ошириш асосий мақсад эканлигини бир неча бор таъкидлади. Жумладан, 2022 йил 20 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатида ҳам Давлатимиз раҳбари тўқимачилик саноатида экспорт ҳажмини 1.5 баробарга ошириш, яъни 5 миллиард долларга етказиш вазифасини қўйди. Бунда мавжуд GSP+ преференцияларидан фойдаланиб Европа бозорига 500 миллион доллар маҳсулот экспортини етказиб бериш устувор вазифа эканлиги белгиланди. Пахта толаси экспорт қилишни тўлиқ тўхтатилиши тадбиркорларнинг мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишларига олиб келди ва ижобий натижаларни бера бошлади.

Мамлакатимизда пахта-тўқимачилик саноатини ривожланишида аграр тармоқда фаолият юритаётган 134 та пахта-тўқимачилик кластерлари асосий ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Бугунги кунда пахта хом-ашёсини етиштиришдан тортиб, уни чуқур қайта ишлашда кластер тизимидаги корхоналар етакчи кучга айланганлиги туфайли мазкур тизимни ривожлантиришга ва уни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Биз учун стратегик тармоқ бўлган қишлоқ хўжалиги самардорлигини тубдан ошириш ва уни диверсификация қилиш гоят муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, аграр соҳани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кластер асосида қайта ишлаш ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш долзарб вазифамиз бўлиб қолади”-деди Президентимиз Ш. Мирзиёев 2021 йил 6 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузасида.[1]

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг учинчи-миллий иқтисодий тизим жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суратларини таъминлаш йўналишида тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробарга кўпайтириш ва меҳнат унумдорлигини 3 баробарга ошириш назарда тутилган. Буларни барчаси пахта-тўқимачилик саноатида етакчи кучга айланган кластерлар зиммасига масъулиятли вазифа юкланаётганлигини билдиради. Шу нуқтаи назардан кластер усули тобора оммалашиб бормоқда. Натижада мазкур инновацион тизим қишлоқ жойларида яшаётган аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларини кўпайтириш орқали турмуш даражасини ошириш ва аграр соҳада смардорликни ўсишини асосий омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Пахтачиликда тўлиқ кластер усулига ўтилгач, нафақат хом-ашё етиштириш, балки уни чуқур қайта ишлашда ҳам туб ўзгаришлар юзага келди. Гап шундаки, мустақилликнинг дастлабки йилларида юртимизда етиштирилган пахта хом-ашёсининг тахминан 7 фоизи ўзимизда қайта ишланиб, 2016 йилда бу кўрсаткич жами 37 фоизга етказилган эди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ўз пахта толасини 100 фоиз қайта ишлаш қувватига эга бўлди. Бунинг эвазига хом-ашё экспорти батамом тўхтатилди. Аксинча, қайта ишланиб, қўшимча қийматга эга маҳсулот сифатида экспорт қилина бошланди.

2021 йил 7 май куни Тошкентда маҳаллий тўқимачилик саноатини ривожлантириш ва уни “GSP+”¹ тизимига асосан Европа Иттифоқи бозорида тарғиб қилишга бағишланган “Янги Ўзбекистон тўқимачилиги: Европа Иттифоқида “GSP+”нинг бенефициари” номли форум бўлиб ўтди. Бу тадбир “Ўзбекистон тўқимачилик саноати” уюشمаси томонидан Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ), Ўзбекистоннинг Белгиядаги элчихонаси ва Экспортни ривожлантириш агентлиги кўмагида ташкил этилди. “GSP+” тизими саноат маҳсулотлари, жумладан, ўзбек тўқимачилик ва тикув-трикотаж товарларининг Европа бозорларига экспорт қилинишида катта имкониятлар яратади.

¹GSP — бу «General System of Preferences» (Имтиёзлар бош тизими) иборасининг қисқартмаси. Маълумот учун: преференциялар бош тизими (GSP +) бу ривожланаётган мамлакатлар томонидан ривожланган мамлакатларга экспорт қилинадиган товарларга имтиёзли божхона тарифлари тизими. GSP + деярли барча саноат ва айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қамраб олади.

Бугунги кунда Ўзбекистон 65 мамлакатга, жумладан, Европа Иттифокига тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Мисол учун 2020 йилда “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси тизимидаги корхоналар томонидан 74 миллион долларлик маҳсулотлар экспорт қилинган бўлса, 2021 йилда ушбу кўрсаткич 142,1 миллион долларни ташкил этди.

Европа комиссияси қарорига кўра Ўзбекистон “GSP+” (Переференциялар бош тизими плюс бенефициари) мамлакатини мақомини олиши билан ўзбек ишлаб чиқарувчилари ва экспортчилари ўз маҳсулотларини Европа бозорига экспорт қилишда бир томонлама тариф имтиёзларидан фойдалана бошлайди.

2022 йил 357 дан зиёд лойиҳалар амалга оширилади. Натижада Ўзбекистон пахта тўқимачилик кластерлари уюшмаси тизимидаги кластерлар томонидан 1,36 миллиард доллар миқдорда инвестиция ўзлаштирилиб, 200 дан ортиқ янги қувватлар фойдаланишга топширилади. Бунинг ҳисобига толани чуқур қайта ишлаш ҳажми 130 фоизга ортади, 100,4 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилади. Экспорт ҳажми эса 1,5 баробар кўпаяди. [3]

Буларни барчаси Республикамиз экспорт салоҳиятини ошириш, экспорт корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, миллий маҳсулотларнинг хорижий бозорлардаги рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш ва валюта тушумини кўпайтириш бўйича белгиланган вазифаларни амалда бажарилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар деб эътироф этиш мумкин.

2021 йил 20 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан билан очиқ мулоқотида ҳам бу масалага алоҳида тўхталиб ўтган эди. “Энг асосийси эл-юртимиз ўртасида ва давлат идораларида тадбиркорларга нисбатан муносабат ўзгарди, жамиятда уларнинг обрўси ва мавқеи кун сайин тобора ортиб бормоқда. Натижада ички ва ташқи бозорда ўз мустаҳкам ўрнини, нуфузи ва брендига эга бўлган ҳақиқий тадбиркорларимиз синфи шакллана бошлади.

Мамлакатимизда мавжуд хом-ашё базасидан унумли фойдаланган ҳолда кластерлар томонидан ип-калавани қайта ишлаш даражасини келгуси икки йилда ҳозирги 50 фоиздан 70 фоизга етказиш мўлжалланган. Шундан келиб чиқиб, уларга молиялаштиришнинг янги механизмларини жорий этиш йўлга қўйилди. Жумладан, матони бўйлаб ва аралаш мато ишлаб чиқарадиган ускуналар хариди учун корхона қувватига қараб давлат ҳисобидан молиявий грантлар берилади. Шунингдек, бундай лойиҳаларни кредитлаш учун яна 150 миллион доллар ажратиш мўлжалланган.

Бўйланган мато ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг экспортини қўллаб-қувватлаш учун давлат томонидан паст фоизларда 100 миллион долларлик янги кредит линияси очилади. Юқоридаги товарларнинг камида 80 фоизини экспорт қилувчи кластерлар ва бошқа тўқимачилик корхоналари учун ижтимоий солиқ ставкаси 3 йил муддатга малдаги 12 фоиз ўрнига 1 фоиз қилиб белгиланади. Шунингдек, уларга мол-мулк солиғини 3 йилга кечиктириб тўлаш имконияти ҳам берилади. Бунинг ҳисобига тадбиркорлик корхоналари ихтиёрида йилига камида 500 миллиард сўм маблағ қолади.

Ҳозирда мавжуд тизим ип-кавала чуқур қайта ишлаш эвазига уни экспортини қисқартириш вабу жараёни босқичма босқич амалга ошириш кўзда тутилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5989-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали пахта ип-калаваси ва трикотаж матони (бўйланган трикотаж матодан ташқари) олиб чиқишда 2021 йил 1 январдан бошлаб олиб чиқиладиган ҳар бир килограмм ип-кавала учун 0,01 АҚШ доллари, 2022 йил 1 январдан олиб чиқиладиган ҳар бир килограмм ип-кавала ва трикотаж мато учун 0,05 АҚШ доллари, 2023 йил 1 январдан -0,1 АҚШ доллари, 2025 йил 1 январдан -0,2 АҚШ доллари миқдорда йиғим ундирилиши белгиланган. Тадқиқотлар ва ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда етиштириладиган 1,1 млн. тон пахта толасини республика ичида 100 % қайта ишлашга эришилган бўлсада, аммо ишлаб чиқарилган ип-каваланинг 40% қайта ишлаб чиқарилади, қолган 60 % экспортга йўналтирилмоқда. Республика тўқимачилик саноати маҳсулотлари экспортининг 45 % ни ип-кавала маҳсулотлари ташкил этиб, улар асосан Туркия, Хитой, МДХ давлатлари бозорлари ҳисобига тўғри келмоқда.

2023 йилда тўқимачилик саноатини ривожлантириш стратегиясига асосан маҳсулот экспортини деярли 1,5 баробарга ошириш энг аввало ип-кавалани чуқур қайта ишлашни 60% га етказиш ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, жумладан, уй текстили ва гилам маҳсулотларини ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, сунъий толани қайта ишлашни йиллик 80 минг тоннага ошириш, 50дан ортиқ янгимаҳсулотларни маҳаллийлаштириш ва ўзлаштириш эвазига эришиш кўзда тутилган.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали пахта ип-калаваси олиб чиқишда 2023 йил 1 январдан бошлаб олиб чиқиладиган ҳар бир килограмм ип-кавала учун 0,1 АҚШ доллари миқдорда йиғим ундирилмоқда

Жаҳонда рўй бераётган глобаллашув шароитида сиёсий ва иқтисодий жараёнлар тармоқ корхоналари фаолиятига таъсирини юмшатиш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, жумладан, йиғирув фабрикалари ва

кластерларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ташқи бозорда рақобатбардошлигини сақлаб қолиш мақсадида “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5989-сонли Фармонининг 86 бандига ўзгартириш киритиш, яъни 2023 йилнинг 1 январидан бошлаб экспорт қилинган ҳар бир килограм ип-калава учун 0.05 АҚШ доллари миқдорида йиғим ундириш ва 2022 йил даражасини сақлаб қолинишини кўзда тутувчи Фармон лойиҳаси ишлаб чиқилди, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилди ва тасдиқлаш учун тақдим этилди.

Кейинги йилларда хориж бозорида пахта-тўқимачилик маҳсулотларига бўлган талаб борган сари ортиб бормоқда. Шу сабабли жаҳоннинг энг йирик халқаро брендлари босқичма-босқич экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш тизимига ўтмоқда. Хусусан, “Adidas”, “H&M”, “Nike” брендлари 2025 йилгача тўлиқ органик (экологик тоза) пахта толаси асосида маҳсулот етказиб беришни режалаштирган. Бироқ бугунги кунда дунёда етиштирилаётган пахтанинг атига 8 фоизи органик ҳисобланади.

Жаҳон бозорида органик пахта толасига ўсиб бораётган эҳтиёж Ўзбекистон учун қулай имкониятдир. Мамлакатимизда юқоридаги янги бозорга кириш ва ўз маҳсулотлари билан тўлдириш учун кенг имкониятлар мавжуд бўлиб, бу борада амалий ишга киришилди.

Келгусида тўқимачилик кластерларини ривожлантириш ва уларни экспорт салоҳиятини оширишда қуйидаги фикр мулоҳазаларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

1. Кластерлар тизимида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари, хусусан фермер хўжаликлари билан кластерлар ўртасида пахта хом-ашёсини етиштириш бўйича тузилган шартнома шартларини қатъий бажарилишини таъминлаш;
2. Пахта-тўқимачилик кластерларини модернизациялаш ва диверсификациялаш асосида илғор техника ва технологиялар билан қуроллантириш;
3. Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Наманган вилоятида ҳам (экологик тоза) органик пахта хом-ашёсини етиштиришни йўлга қўйиш ва йилдан-йилга кўпайтириб бориш чора-тадбирларини белгилаш. Бунинг учун органик пахта хом-ашёсини етиштирувчи фермер хўжаликлари учун маълум бир имтиёзлар бериш;
4. Наманган вилоятида пахта-тўқимачилик кластерларини фаолиятини беш босқичга ўтказиш, яъни тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бу жараёни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизминини ишлаб чиқиш;
5. Пахта-тўқимачилик кластерларини экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи логистика хизматлари марказлари фаолиятини кенгайтириш;
6. Пахта-тўқимачилик кластерларини экспорт салоҳиятини ошириш бўйича маркетинг тадқиқотларини кенгайтириш. Жаҳон бозоридаги пахта-тўқимачилик маҳсулоатларига талаб ва таклифни мунтазам ўрганиб бориш ва улар ўртасидаги нисбатни ўзгаришига қараб бозор конъюктурасига мослашиш чора-тадбирларини белгилаш;
7. Ўзбекистон пахтасига “Cotton Campaign” халқаро коалицияси томонидан 2009 йилда қилинган бойкотни 2022 йил 10 март кунда бекор қилиниши туфайли тўқимачилик корхоналарининг жаҳон бозорларига чиқиш имкониятларини кенгайтганлигини эътиборга олган ҳолда экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки юқоридаги фикр-мулоҳаза ва таклифларни эътиборга олиш жойларда ташкил этилган пахта-тўқимачилик кластерларини ривожланишига, уларни экспорт салоҳиятини ортишига ва мамлакатимиз ҳудудларидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этилишига ижобий таъсир этади деб ҳисоблаймиз.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. 2021 йил 6 ноябрь.
2. “Тадбиркорликни жадал ва янада кенг ривожлантириш учун барча шароитларни яратиш-энг муҳим вазифамиздир”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи. “Янги Ўзбекистон” газетаси № 169, 2021 йил 21 август.
3. С. Тожиев. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,4 бараварга оширилади. Бунда пахта-тўқимачилик кластерлари локомотив вазифасини ўтайди. Халқ сўзи газетаси. 2022 йил 15 январь. № 10 (8072).
4. С. Тожиев. Жасоратли меҳнат — барқарор тараққиёт калити. Халқ сўзи газетаси. 2023 йил 6 январь.
5. O'zbekiston Milliy Axborot Agentligi rasmiy sayti. <https://uza.uz/uz/posts>
6. Наманган вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармасининг маълумотлари. 2022 йил.



INNO  SPACE
SJIF Scientific Journal Impact Factor

Impact Factor: 8.165

 **doi**[®]
CROSS **ref**

ISSN INTERNATIONAL
STANDARD
SERIAL
NUMBER
INDIA



INTERNATIONAL JOURNAL OF INNOVATIVE RESEARCH

IN COMPUTER & COMMUNICATION ENGINEERING

 9940 572 462  6381 907 438  ijircce@gmail.com



www.ijircce.com

Scan to save the contact details